

ЛАКТОФЛОР ГЕЛИНИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

З. Саломова, А.Д. Таджиева, Ф.Ю. Меметов

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: лактофлор гелини яратиш ва сифатини баҳолаш.

Усуллар: лактофлор гелини яратиш мақсадида куйидаги таркибли асослар ишлатилди: бентонит–глицеринли (бентонит-10,0; глицерин-10,0 ; тозаланган сув-100,0гача); КМЦ-глицеринли асос (КМЦ-6,0; глицерин-10,0 тозаланган сув-100,0 гача); желатин-глицеринли (желатин-3,0; глицерин-10,0; тозаланган сув-100,0 гача); аэросил–глицеринли (аэросил-7,0;глицерин-10,0; тозаланган сув-100,0 гача) ва МЦ-глицеринли асос (МЦ-6,0; глицерин-10,0 тозаланган сув-100,0 гача). Гель умумий технологияга биноан тайёрланди. Тайёрланган гелларни ташқи кўриниши ва турғунлигитекширилди. Ташқи кўриниши органолептик усулда, турғунлиги эса ЦУМ-1маркадаги центрифугада дақиқа-сига 1500 айланиш тезлигида 5 дақиқа давомида ишлатиб аниқланди.Тажриба натижаларига биноан МЦ-глицеринли асосда тайёрланган гель кейинги тажрибалар учун танлаб олинди. Гелнинг физик-механик, технологик кўрсат-кичларидан МТХ талаблари бўйича ташқи кўриниши,таркибнинг бир хиллиги, рН қиймати ва коллоид турғунлиги текширилди.Гелнинг рН қиймати потенциометрик усулда, коллоид турғунлиги дақиқасига 1500 айл/тезлигида центрифугалаш орқали, таркибнинг бир хиллиги тегишли МТХ асосида баҳоланди.

Натижалари: МЦ-глицеринли асосда тайёрланган гелда тажриба давомида ва туриш жараёнида ҳеч қандай ўзгариш кузатилмади, бентонит–глицеринли, аэросил–глицеринли ва желатин-глицеринли асосларда тайёрланган гелларда туриш натижасида ёпишқоқ масса ҳосил бўлиши, КМЦ-глицеринли асосида тайёрланган гелни ташқи кўринишида рангининг ўзгариши кузатилди. МЦ-глицеринли асосда тайёрланган гель ташқи кўриниши бўйича оч сарғиш рангли,ўзига хос ҳидли,бир ҳил масса бўлиб,таркибининг бир хиллиги,коллоид турғунлиги бўйича талабга жавоб беради, рН қиймати эса 5,5-6,0 оралиғида деб белгиланди.

Хулосалар: маҳаллий хом ашёдан олинган лактофлор субстанцияси асосида лактофлор гелини таркиби ва ўзига хос технологияси таклиф этилди. Гелнинг физик-механик ва технологик хоссалари тегишли МТХ асосида баҳоланди.